



ЎЗБЕКИСТОН

Газета
1918 йил 21 июндан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 159 (20. 127) • 1988 йил 12 июль, • сешанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XIX БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ РЕЗОЛЮЦИЯЛАРИ—АМАЛИЙ ИШ ПРОГРАММАСИ

КАТТА, МАСЪУЛИЯТЛИ, ТИҒИЗИШ

XIX БУТУНИТТИФОҚ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ДЕМОКРАТИЯЛАШ ВА СОВЕТ ЖАМИЯТИ
СИЭСИЙ СИСТЕМАСИНИ ИСЛОҚ ҚИЛИШ ПРОГРАММАСИНИ БЕЛГИЛАДИ.

Уша апрель кунларидан буён мамлакатимиз бўйлаб тетиклаштирувчи, бардамлик бахш этувчи шабада эсмоқда. Советлар дёври қайта куриш, инқилобий янгиланиш, партия ва жамоат турмушининг демократизация бўлиши бормоқда. 1985 йил апрелдан кейин ўтган мuddатда янгича фикрлаш, янгича ёндашу ва янгича ечимлар излаш борасида муайян тажриба ортирилди, дастлабки хулосалар чиқарилди. Бу XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида «Совет жамиятининг демократизация ва сиёсий системани ислоқ қилиш тўғрисида» резолюция қабул қилинишига олиб келди.

Маълумки, Улуу Октябрь инсоият тарихида янги тараққиёт боқичини бошлаб берди. Коммунистик партия рақбарлигида совет халқи социалистик демократияни қарор топди. Мамлакатимизда меҳнаткашлар ҳоқимияти, ишчи назорати, меҳнат қилиш ва бошқа энг муҳим социал ҳуқуқлар, аёллар билан эркинликнинг, миллатлар ва элларнинг тенг ҳуқуқлилиги юзага келди.

Бироқ социалистик қурилишнинг муайян босқичларида шахсининг ирода кучи, шахсият парастлиги, волюнтаризм, бошбашбоқлик таъсири остида бу сиёсий системада жиддий бузилишлар содир этилди. Партия ҳаётининг ленинча нормалари, социалистик қонунийликка ҳамisha ҳам риоя қилинмади. Репрессиялар, сиёсий қувғин қилиш, гайркионий хатти-ҳаракат кучайди. Бошқаруунинг маъмурий-буйруқбошлик усули устун бўлиб қолди.

Буларнинг ҳаммаси жамият тараққиётига жиддий салбий таъсир кўрсатди, социал-иктисодий тараққиётнинг муҳим омилларидан ҳамisha ҳам ўринли фойдаланилмади. Меҳнат аҳлининг иқтисодий ташаббускорлиги сустайди. Тўғри, КПСС XX съезди қарорлари асосида партия ва давлат ҳаётининг ленинча принципларини тиклаш йўлида бир қатор ишлар қилинди. Бироқ асосий омил — социалистик демократияни чуқурлаштириш ва кенгайтириш йўлида собиқлик етишмаганиги тўғрисида бу борадаги ишлар чада-ярлик қилиб кетди. Оқибатда кейинги ўн йилликларда шахсият сиёсий ҳодисаларни тақдорларидан, Турғунлик ҳолатлари кучайди. Сайлаб қўйилган турли органлар аъзоларининг асосий қисми амалда давлат ва жамоат ишларини бошқаришдан четда қолдирилди. Бу социалистик халқ ҳоқимияти қиёбасини бир қадар ўзгартирди, албатта.

Турғунлик йилларида Ўзбекистонда вуқудга келган ҳолатини олайлик. Ҳамама ютуқларини бир шахсининг хизмати сифатида тақдим қилиш, маъмурий-буйруқбошлик усули одамларнинг, жамоат ташкилотларини ва меҳнат коллективларининг ташаббускорлигини бўғиб қўйган. Сиёсий система роли сустайиб, фармоишлар, кўрсатмалар, «йўл-йўриқлар» устун даражада бажарилиши волюнтаризм ва субъективизмни кучайтириб юборган эди. Социалистик турмуш тарзи афзалликлари хусусида ваъзалар айтилди-ю, унинг нормалари амалда поймол этиларди. Натияжада республикада турли суиестемолликлар, уюшган жиноятчилик, қўшиб ёзиш, қўзғуламчилик шу қадар авж олганлики, бу салбий ҳолатларнинг оқибатларини биз ҳали-ҳануз тўла бартараф этиб ўлгурганимиз йўл.

Бинобарин, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида демократияни чуқурлаштириш, социал системани ислоқ қилиш вазифалари хусусида қизгин мунозара бўлиб ўтганлиги табиий бир ҳол, давр тақозоси. Бу гун хар бир коммунист, ҳар бир гражданин жамиятдаги янгиликни, демократизация, ошқораликни таъминлаш жараянини яна ҳам кенг туш олдириш ва чуқурлаштириш заруриятини рўй-рост ҳис қиломоқда. Зеро, бу вазифаларни узин-кесил ҳал қилмай туриб, қайта қуриш стратегиясининг муваффақиятига эришиб бўлмайд.

Резолюцияда таъкидланишича, сиёсий системани ислоқ, бундан, ўз-ўзини бошқариш, ҳамиянинг, барча вазолатли органлар, партия ва жамоат ташкилотларининг ташаббускорлигини кучайтиришга хизмат қилиш керак. Иккинчидан, бу ислохот барча синфлар ва социал гуруҳларнинг манфаатларини, иродасини демократик йўл билан аниқлаб, шакллантириб, мувофиқлаштириб, Совет давлати ички ва ташқи сиёсатида изчил амалга ошириш механизмининг пишиқтириб бериш керак. Учинчидан, хар бир миллат ва элат бундан буён ҳам эркин ривожланиши, социалистик интернационализм принциплари асосланган дўстлик ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик муносабатларини учин зарур шарт-шароитлар таъминламоғи зарур. Тўртинчидан, социалистик қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни тубдан муносабатлар асосида турли суиестемолликлар, бюрократизм ва расмийликка қарши собиқликни, конституцион ҳуқуқлар, эркинликлар ва гражданилар ўз бурчларини тўла-тўқис бажаришининг ишончли гарантисининг яратиш лозим. Партия ва давлат органлари вазифаларини аниқ белгилаб

бериш бу ислохотнинг асосий вазифаларидан бирдир. Ниҳоят, бешинчидан, бу ислохот мобайнида реал омилларни ҳисобга олиб, сиёсий системани ўз вақтида янгилаб боришнинг энг самарали ечимлари топилиши шарт.

Вазифа бутун ишлар халқ ва унинг ваколатли вакиллари томонидан ҳал этилиши, унинг доимий, тўла таъсирчан, назорати остида бўлишига эришишдан иборат. Советлар ўз ҳоқимиятининг тўла амалга ошириш бунинг асосий шартидир. Совет расмининг ёпиқ-ширини овоз билан сайлаш, сайлаб қўйиладиган, шунингдек, тайинланадиган лавозимда бўлишни ички мuddат билан чеклаш кўзда тутилмоқда. Сайлов системасини тубдан қайта қуришга қарор қилинди. Советлар расмининг тегишли партия комитетлари биринчи секретарларини тавсия этиш мўлжаллаб қўйилди.

Конференция давлат ҳоқимиятининг олий органини бир қадар қайта қуришнинг лозими топди. СССР халқ депутатларининг ҳар йили бир марта ўтказиб туриладиган съезди давлат ҳоқимиятининг олий органи бўлиб қолди. Съезд ички палатали СССР Олий Советини сайлайди. Олий Совет расми ёпиқ-ширини овоз билан сайланади. Барча бўғинларда Советларни шакллантириш ва улар фаолиятини ташкил этиш ҳам янгича ёндашулар асосида ҳал этилади.

Бошқарувдаги ўта марказлашганлик ҳолатини бартараф этиш, қўйи бунинг ташаббускорлигини ошириш чораларини кўриш — амалга ошириламан ислохотнинг асосий йўналишларидан бирдир. Конференцияга Марказий Комитетнинг докладига ҳам, мунозара чоғида ҳам янги типдаги аппаратни янгузуда келтириш гоат зарур вазифа қилиб қўйилди. Бу зарурият қабул қилинган резолюцияда асослаб берилди. Шунингдек, сайлаб қўйиладиган ҳоқимият органига бўйсунувчи ижтимоий-давлат назорати системасини янгузуда келтириш вазифаси илгари сурилди.

Ҳозирги боқичда социалистик ҳуқуқий давлатни тузиш принципиал муҳим иш деб топилди. Бу Совет ҳоқимиятининг ташкил этишини социализмга тўла мос келадиган форма-сидир. Совет ишларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини, гражданилик бурчинини оқшайди бажариши тўла таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ишнинг таъминлаштириб бориш бу вазифани муваффақият бажаришнинг асосидир. Айна пайтда насаба созуларни, комсомол, хотин-қизлар ташкилотлари, кооперациялар, ветеранлар ташкилотлари ишончли самаралилигини кучайтириб бориш тақозо этилади.

Коммунистик партиянинг рақбарлик ва раҳнамолик роли сиёсий системани қайта қуриш муваффақиятининг ҳал қилувчи гаровидир. Ҳозирги янгиликни жараяни партия рақбарлик ролининг ленинча қондалари актуаллигини беқибс ошдириб юборди. Худди шу ҳолат партия ички ҳаётини демократизацияни изчил чуқурлаштириб боришнинг талаб қилаётди. Конференциянинг ўзи бу борада ажойиб намуна бўлди. Ошқора мунозара, эркин, рўй-рост, конкрет таққид ва ўз-ўзини таққид, партиявий ўртолқчи ва ўзаро принципиал таъкичанлик барча бўғинларда партия ташкилотлари фаолиятининг чинаям мезонлари айланоғи даркор. Партия сабрига қабулани ҳам ошқора, эркин муҳокама асосида ўтказиш лозим. Партия комитети бюроларининг ўз комитетлари олдидаги ҳисоботлари аъваньяни тус олиши керак. Уларнинг қайта қуришга рақбарлиги масаласи муҳокама қилинган пленумлар, партия янгиликлариде ортирилган ибратли тажрибалар бунга хизмат қилдирилмоғи зарур.

Қадрлар сиёсий конференциянинг бутун иши давомида делегатлар диққат марказида турди. Бу ишдаги расмиятчилик узил-кесил барҳам топтирилмоғи, кадрларни танлаш ва тайинлашда демократия талабларига оғишайи амал қилиниши керак. Рақбар кадрлар сайлов яна ҳам таъминлаштирилиши талаб қилади. Партия ташкилотларининг ўнда сайлов тартибига жиддий ўзгаришлар киритиш ҳам белгиламоқда. Ваколатларнинг ягона мuddати аниқлаб қўйилди.

Партия ташкилотларида назорат-ревизия ишчининг жиддий равишда қайта қуриш мўлжалланаётди. Конференцияда ягона контроль органи — КПСС Марказий Контроль-ревизия комиссиясини тузиш таққид этилди.

«Сиёсий системани ислоқ қилиш, — деб таъкидланади КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси қабул қилган резолюцияда, — масъулият партия қарорлари ва катта қону ақтари қабул қилинишини... талаб қилувчи катта ва тизги ишдир». Вазифа бу айла-да қатъият кўрсатишдан, ортирилган янги тажрибани ленинча нормалар ва принциплар билан узвий ўйгунаштиришдан, янгича мушоҳада ва истиқболга сергак назар ташлашдан иборат. Шундангина партия конференциясининг ҳамма йўл-йўриги, жумладан, сиёсий система ислохотни самарали амалга оширилади. Шундангина қайта қуришдан кутган барча орзу-умидларимиз тўла рўйбога чиқади.



Дон—ризқ-рўзимиз ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Наманган райони галаларлари давлатга дон топириш йилини планин бажардилар. Давлатга 2,5 минг тонна галла сотилди. Ҳар гектар майдондан топиришида 35 центнер ўрнига 50,3 центнердан ҳосил олинди. Бу йил районода бошоқли дон экинлари етиштириш билан 37 оилавий эвено шуғулланди. Авваллари, [галачиликда оилавий пудрат жорий этилмаган пайтларда] ҳосилдорлик гектарига 38-40 центнердан тўри келарди. Эндигида бу кўрсаткич кескин ошди. Айниқса «Партия XXII съезди» колхозининг Турғунбой Тошпўлатов бошлик оилавий эвено рекорд ҳосил етиштирди.

Оила аъзолари 12 гектар майдонга экинган бугдоянинг хар гектаридан 65 центнердан ҳосил ўриб-янгиб олд. Зевнода Т. Тошпўлатовнинг ўғиллари — еран Турғунпўлат, Раҳимберди ва қиз Матлуба астойдил меҳнат қилдилар. Суратда Турғунбой Тошпўлатов колхоз бугатлари А. Маданов билан ҳисоб-китоб қилмоқда.

(Галаларларнинг шу кунлардаги зарбдор ишлари ҳақидаги материалларни газетамизнинг учинчи саҳифасида ўқийсиз)

КАДРЛАР ҲУҚУВИ

11 июль кунин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия-ҳўжа-лик активлари мактабиде на-батдаги машғулот бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов тўп-ланганлар ҳузурида нутқ сўз-лади. У КПСС XIX Бутунитти-фоқ конференциясининг иши ва унинг қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар тўғриси-да гапирди.

КПСС Марказий Комитети Пропганда бўлимининг лекто-ри, иктисод фанлари кандида-ти В. Г. Машенцев «XIX пар-тия конференцияси қарорлари асосида партия иктисодий стратегиясини амалга ошириш-нинг долзарб муаммолари маърузаде лекция ўқиди. СССР Министрлар Совети

ҳузуридаги Халқ ҳўжалиги академияси ҳуқуқ ва бошқа-ринг психологис кафедре-сининг мудири, юридик фан-лари доктори, профессор Ю. А. Тихомиров ўз лекциясини со-вет жамиятининг демократиза-ция ва сиёсий системани ислоқ қилишга бағишлади.

(ЎзТАГ).

Сессиядан—сессиягача

СОЦИАЛ—МАДАНИЙ—МАИШИЙ СОҲАДАГИ ҚОЛОҚЛИК ТУГАТИЛСИН

Жиззах дашти ва Мирзачўл-де ишларнинг аҳолинин ба-ластиде шу йил бошигача бош бошқарма бўлинмалари ўз-лаштириш лозим бўлган ати-ги 10,4 минг гектар ер қолган эди. Бу эса ўзлаштириш ре-жалаштирилган ерларнинг ати-ги 3 процентидир. Айна пай-тда дела шийпоилари, мак-таблар, болаяр богчалари, клублар, ҳаммомлар ва бош-қа ноишлаб чиқариш объек-тларини қуриш панлари бар-бод қилинди.

XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида олмай оми-лини ҳисобга олмай ва одамлар тўғрисида гамхўрлик қилмай туриб, меҳнат юксек самара бериш қийинлиги таъкидланди, дейишди депут-тлар. Масалан, Патхвор районидеги «Самарқанд» сов-хозиде қурилган уй-жойлар хар қис хисобига олти квад-рат метрдан сел кўпроқ тўг-ри келар экан, бу ерда қан-дай муваффақиятни кутш мумкин? 536 ўринли мактабде 1200 бола таълим олмақда. Мантабача тарбия ешидаги болаларнинг тўртдан у қис-ми болаяр богчасига қатнаш имкониятига эга эмас. Бундай болаларнинг оналари давада хотиржам ишлаш оладилари? Қўриқ районларида ичим-

лик сув ҳам, техника максед-лариде ишлатиладиган сув ҳам етишмайди. Кўпгина сов-хозда посёлкелари обод қилин-маган, уларда иссиқлик таъ-миноти ишоотлари охиригача қурилмаган, маиший объектлар ўз холига ташлаб қўйилган.

Ўзбекистоннинг бошқа об-ластлариде қўриқ ерларга қўчиб келган кишилар қайтиб кетаётганлиги, совхозларда кадрлар кўнимчилиги юкори даражада эканлиги ажабле-нарли эмас. Бунинг учун одам-лар айбдорми! — деб сўраш-ди депутатлар. Нормал меҳ-натчи хизмати бўлмаса, энг зе-ру молларни ҳам область марказидан харид қилишга, телевизорларни ўша ерде ре-монт қилдиришга, хатто қийинчи ҳам ўша ерде тек-тиришга тўри келса, бундай Жиззах даштида янги ерларни ўзлаштириш Бутунитти-фоқ тўҳташ ва қолган 517 миллион сўм давлат капитал маблағи-ни илгари ишга солинган ер-ларни комплекс реконструк-циялаш ва қўриқ ҳўжалиқларни инфраструктурасини ривож-лантиришга, қўлуқларнинг уй-жой ва маданий-маиший эҳтиёжларини тўла қондириш-га сарфлаш масаласини қўриб чиқилиши тавсия этилди.

(ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИНИНГ КОМИССИЯСИДА

30—40 йиллар даврида ва 50-йилларнинг бошларида содир бўлган репрессиялар билан боғлиқ материалларни қўшимча равишда ўрганишга доир

Комиссия ўзининг наватба-даги мажлисида «Советлар қарши Унғ троцкийчилар блоки» деб аталган иш юза-сидан бошқа кишилар катог-ри ўтган Н. И. Вухарини, А. И. Риковни, А. И. Риковни, М. А. Чернов, П. П. Буланов, В. А. Максимов-Диковский ва Х. Г. Раковс-кийларнинг партияга аъзо-лиги тўғрисидаги масалага оид материалларни қўриб чиқди.

Шу масала юзасидан КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контро-ли комитетининг ахбороти тингиланди. Шу нарса аниқ-ландики, ВКП(б) Марказий Комитетининг 1937 йил 3 мартаги Пленуми Ички иш-лар халқ комиссарларининг тергов материаллари асоси-да троцкийчиларнинг тер-ворчилик, жоусулик ва қў-пурувчилик-зарарку н а н д а-лик фаолиятига даҳлдорлик-да, партияга қарши хатти-ҳаракатда, партияга тўхмат ва хуруж қилишда, ўтмишда партияга ва Ленинга қарши қаршида иштирок этишда айбланган Н. И. Вухарини (б) А. И. Риковни ВКП(б) Марказий Комитети сости-дан ва партия аъзолигиндан чиқарган эди.

Тергов ва суд мажлиси чоғида тўғиб чиқарилган материаллар асосида СССР Олий судининг харбий кол-легияси 1938 йил 13 марта-да Н. И. Вухарини, А. И. Риковни ва «ўнғ троцкий-чилар блоки» тўғрисидаги процессининг бошқа қўчи-лиқ қатнашчиларини отиш-да ҳукм қилган эди.

1988 йил 4 февралда СССР Олий судининг плен-уми Н. И. Вухарин, А. И. Риков ва бошқаларга нисба-тан чиқарилган ҳукмин бе-кор қилди ҳамда уларнинг ҳаракатларида ҳеч қандай жиноят йўқлиги сабабини иш-ни тўхтатди.

1929 йилгача Сиёсий бю-ро составида эди. Узоқ вақт мобайнида у «Правда» ва «Известия» газеталарининг редактори бўлиб ишлади. Партия бир қанча съездал-арининг ҳўжатлари, шу-нингдек, Комитетни про-граммаси унинг рақбарлигида тайёрланди, у Комитетни ишарида фаол қатнашди.

1988 йил 10 июль кунин ўрни бошб қолган депутат-лар ўрнига тўрт сайлов ок-ругида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайлови бўлиб ўтди. Тошент шаҳар 2-Октябрь сайлов округидан Ўзбеки-стон Компартияси Марказий Комитетининг Оғир саноат на машинасозлик бўлими му-

дирни ўртоқ Анатолий Федо-рович Зиневский; Самарқанд область 328-Қордарёб сайлов округидан — Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри ўртоқ Сар-вар Олимжонович Азиев; Фарғона область 437-Дер-жизлик сайлов округидан — «Правда Востока» газета-сининг редактори ўртоқ

Рубен Аюпович Сафаров; Фарғона область М. Топи-болдиев номли 441-сайлов округидан — Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округи сиёсий бошқармаси-нинг бошлиғи ўртоқ Алек-сандр Иванович Овчинников Ўзбекистон ССР Олий Со-вети депутатлари қилиб сай-ландилар.

Партия контроли комите-ти Н. И. Вухарин, А. И. Риковнинг партияга аъзо-лиги тўғрисидаги масалани қўриб чиқди ва партиядан ўчириш пайтида уларга қў-йилган сиёсий айбларнинг асосининг, улар суд тартибиде тўла-тўқис оқла-натилиши ҳисобга олиб, шунингдек, уларнинг пар-тия ва Совет давлати олди-даги хизматларини эти-борга олиб, 1988 йил 21 нонда марҳумлар Н. И. Вухарин билан А. И. Риков-ни КПСС сағига тиклади.

Марҳумлардан А. П. Ро-зентгольд, М. А. Чернов, П. П. Буланов, В. А. Мак-симов-Диковский ва Х. Г. Раковскийлар ҳам партия-га қайта тикланди. Бундан аввал И. А. Зе-ленский, В. И. Иванов, П. Т. Зубарев, Г. Ф. Гринько, С. А. Бессонов, Н. Н. Крес-

АЙРИМ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛАРИНИ САЙЛАШ Тўғрисида

АХБОРОТ

1988 йил 10 июль кунин ўрни бошб қолган депутат-лар ўрнига тўрт сайлов ок-ругида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайлови бўлиб ўтди. Тошент шаҳар 2-Октябрь сайлов округидан Ўзбеки-стон Компартияси Марказий Комитетининг Оғир саноат на машинасозлик бўлими му-

Ўзбекистонда

Ҳиндистон Республикасининг Президенти Рамесвами Венка-тераман 10 июль кунин Тош-кентга келди. У СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг тақдирига би-ноан расмий дўстлик визити билан Совет Иттифоқида меҳ-мон бўлиб турибди. Тошент аэропортда Ҳин-дистон Республикаси, СССР ва Ўзбекистон ССР Давлат байроқлари кўтарилган. Ҳин-дистон рақбари ва унинг ре-фикасини Ўзбекистон Компар-тияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов рафикаси билан, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ф. Х. Қоди-ров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ик-кинчи секретари В. П. Анши-чев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси-нинг ўринбосари П. Ракин-ский, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов, бошқа расмий киши-лар кутиб олдилар. Кутиб олувчилар орасида Ҳиндистон Республикасининг Тошкентде-ги бош консули Йогендра Ку-мар бор эди. Ҳиндистон Президенти билан бирлигида сафарда унга ҳамроҳлик қилуватган СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президи-умининг Раиси П. Ҳабибул-лаев, СССРнинг Ҳиндистондаги фавақулда ва мухтор элчиси В. Н. Риков келдилар. Ҳиндис-тон Президенти Ҳиндистоннинг СССРдаги фавақулда ва мухтор элчиси Трилоки Натх Кауль ҳам ҳамроҳлик қилмоқда. Тошент жамоатчилигининг вакиллари, Ўзбекистон пойтах-тидаги олий ўқув юртиларда таълим оловатган хинд студент-лари Р. Венкатарамани се-симий табриқладилар. Шу кунин олий мартабали меҳмон Ўзбекистон Компар-тияси Марказий Комитетида қабул қилинди. Р. Н. Нишо-нов бўлиб ўтган дўстона суҳ-батда СССР билан Ҳиндис-тон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари йил сайини мустақамлаш ва ри-вожланиб бораётганлигини таъкиқлади. Иккала мамлекат халқро майдонда планетада тинчликни мустақамлашда, кўрсатилгани учун курашда фаол қатнашмоқда. Ҳиндис-тон делегациясининг визити совет халқи қайта қуришнинг, янги сиёсий тафаккурнинг қудратли омили бўлиб қолган XIX Бутуниттифоқ партия кон-ференцияси қарорларини амалга оширишга киришган унутилмас даврда ўтаётганли-ги таъкиқланди. Меҳмон республикани соци-ал-иктисодий ривожлантириш қандай бораётганлиги билан таъинштирилди, Ҳиндистон билан турли соҳаларда ҳамкор-лик қилишда республиканин иштироки ҳақида гапирилди. Р. Венкатараман суҳбат чо-ғида Ҳиндистон ва унинг рақ-барларининг Совет Иттифоқи билан муносабат дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ўрнатилган тарихий таркиб топган манфаатдорлигини таъкиқлади. М. С. Горбачев билан учрашув, Москвада бў-либ ўтган Ҳиндистон — Совет муносабатлари, бу муносаба-тлар мустақамлашганлигини таъкиқлади. СССРда амалга оширилган янгиликни, же-миш ҳаётининг ҳамма соҳале-рини демократизация жараяни Ҳиндистон халқида катта ки-чикиш уйғотмоқда. Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги иктисодий ва ма-даний алоқаларни янада ри-вожлантириш мuddоси изҳор қилинди. Ҳиндистон Президенти В. И. Ленин ҳайкали пойга гуллар ва Номаълум солдат қабрига гулҳамбар қўйди. У Лял Ба-ҳодир Шастри ҳайкали пойга ҳам гуллар қўйди. Р. Венкатараман 11 июль кунин Самарқандга борди. У қандайдил шахарнинг меъморий ёдгорликларини кўздан кеңир-ди. Р. Шредер номидаги Богдорчилик ва узумчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлаш-масининг Самарқанд филиали-да бўлди. (ЎзТАГ).

Амалдаги интернационализм

БИЗ МИЛЛАТЛАРОҚ МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҚҚАМЛАШ УЧУН КУРАШАР ЭКАМИЗ. СОВЕТ ИТТИФОҚИ ДАВЛАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ, ХАЛҚЛАРИМИЗНИНГ ИНТЕРНАЦИОНАЛ АЛОҚАЛАРИ ВА ҚАРДОшлиГИ ҲАЕТБАХШ МУТТАСИЛ ЖАРАЕНЛАР ЭКАНЛИГИГА АСОСЛАНАМИЗ. БУ ЖАРАЕНЛАР ДОИМО ҲАМ РЕСПУБЛИКА, ҲАМ ИТТИФОҚ ОРГАНЛАРИНИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА ТУРИШИ КЕРАК.

(ИПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига докладидан)

2. КЕЛАЖАКНИНГ БУТУНГИ ТАШВИШЛАРИ

Қизил ғиштдан тикланган бу бино ён-атрофдаги замонвий уйлاردан асқиниб архитектура ечими ва оддийлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бундан қирқ йиллар муқаддам унинг ўзи янгилик элчиси бўлиб қол ростав эди. Мана, эндликда ўзига хос намуналаридан бири бўлиб турибди. Ҳа, йиллар ўтаверди, давр талабига қараб биналарнинг шакл-шамойили ҳам ўзгараверди.

Бино ичкарисига киринишга билан асқиниб бодди таассуротингиз тамомига ўзгарили. Бу ердаги ҳамнарсанаси замонвий. Ақолий ҳунар устохоналари, янги типдаги уқуналор, бой моддий база. Кабинет ва коридорлар шунчалик дид билан безатилганки, уларнинг ҳар бирига маданият ва эстетиканинг энг нуносиб ва тасирчан қирралари муҳассамлашганидан ҳавасингиз келди.

Катта спорт зали истоган пайтда машғулорлар ўтказишга мунтазар. Унинг ёнидаги саҳнали экинчи ҳам экинчлари доимо оқиб. Қизил ғиштдан ўқув корпусидан сал нарида тўққиз қаватли замонвий ётоқхона.

Буларнинг ҳаммаси техникум ёки институтга эмас, балки 54-хунар-техника билим юртида муҳайё этилган. Тўғри, Ленинград шаҳри шариоатида бу каби ҳунардонликларни, маданий муҳассамликни заъналаниб қайда эътиборингиз эриш туюлар. Чунки бундай ҳусусият бу ердаги барча билим масканиларига хос ҳисобланади. Бироқ буларга Навоий областининг қишлоқ районидан келган ўсимирнигоҳи билан қараганда-чи? Турган гапки, даставвал ҳайрат ва нувоич, деган сўзларни тилга олишга тўғри келди. Бойси, унинг юртида бундай шарт-шароитга эга билим юртида хунар ўрганиш ҳозирча орау бўлиб турибди. Қувончли жиҳати шундаки, у мана шундай ақолий даргоҳда касб ўрганади, тарбия олади.

СПРАВКА. Навоий областидарда атиги 7 та билим юрти замонвий ўқув корпусларига эга. Қолган 18 таси эски, мослаштирилган биналарга жойлашган бўлиб, аксариятнинг моддий-техника базаси ҳозирги кун талабларига жавоб бермайди. Таълим савиясининг паслиги, оддий шарт-шароитнинг еттишмаслиги тўғрисида ўтган йили 4 та хунар-техника билим юрти ва 39 филиалини ёпишга тўғри келди.

1986 йил августда Ленинград келган 240 нафар ўсимир шундай ҳис-ҳисояларни туйган эди. Кейинчалик бу туйғулор реал ҳаёт синовидан ўтиб, болалар қалбида амалий қўниқмага айланган яқин кунлар сифатида бир умрга муҳланди. Ленинград ишчи мактабининг сабогини, интернационал дўстлик тарбиясини олишнинг ким истамайдй дейсиз?! Қўлар учун Нева бўйидаги бу шаҳарни қўришнинг ўзи орзу. Шундай экан, навоийлик болаларининг туйғулорини тўла туйушнинг мумкин. Айни кездә эса, ўтган йили улар зиядан борган 600 га яқин йигит-қиз бу сабоқни давом эттириб, ишчилар синфига нуносиб ворислар бўлишга ҳозирлик қўрипти.

Биласизми, ўзбекистонлик болаларни илк бор кутиб олиш пайтида биз ҳам жуда ҳаяжонланган эдик. — дейди билим юрти директори А. Тетельбаум. — Ҳар бир ўсимирнинг ўзи бир олам. Бунинг устига олдимида яна бошқа проблемалар турарди. Болалар иссоҳ юрт ҳавосинга қўниқан, ўзбек халқининг урф-одатлари, анъаналари руҳида тарбия

топган, ота-оналари бағрида кундилан меҳр-ёрдамга таяниб ишган. Буларнинг бағридан билан маҳрум бўлиш, янги шарт-шароит талабларига қўниқиб олиш бўлмайди. Тағин, рус тилини яқин билмаслик ҳам салбий таъсир кўрсатиб турарди.

Бу проблемаларни тездә баргараф қилиш учун нима қилидик? Биринчи навбатда ҳар бир ихтисос бўйича навоийлик болаларининг бир гурупахда таълим олишларини йўлга қўйдик. Негаки, юқорида айтган қийинчиликларини уларнинг биргаласида енгиши енглороқ кеҳисини йўладик. Иккинчидан, ҳар бир ўқитувчи, мастернинг ўқувчиларга нисбатан нафақат мураббийлигини, балки энг азиз киҳисни бўлишга эришиши таъминлашга ҳаракат қилдик. Табиийки, қийинчилик, муаммолар бўлиб турди. Энг муҳими, болалар тез орада ҳа-

лайвандовчи, изоляцияловчи каби касбларни ўрганиш билан бир қаторда ишлар чикаришда ҳам актив иштирок этакдилар. Уларнинг бир йиллик меҳнати 5 миллион сўлмликдан ортук маҳсулотни ташкил қилди.

— Буш вақтларни қандай ўтказаянми? — Спорт билан шугулланамиз, китоблар ўқиймиз, — дейди Улугбек.

— Тез-тез экскурсияларга чикамиз, — деб гапта қўшилди Музаффар. — Эрмитаж, Петропавловск қалъаси, «Аврора» крейсери, Рус музейи ва бошқа жойларда бўладик.

— Кечалар, декадаларни ўтказишга таёргарлик кўрамиз, уларда қатнашамиз, — дейди Нуриддин.

Қўрииб турибдики, болалар зерикшимайди. Бу экскурсия ва тадбирларнинг ҳаммаси уларнинг жиосо-

техникум ёки институтларнинг кечки бўлимларида ўқишнинг давом эттирмоқчимиз. Юримишга юқори малакали мутахассис бўлгач қайтмоқчимиз.

Навоийлик аксарият йигит ва қизларнинг мақсади шундай. Уларнинг сермеҳнат ва тўғри йўлни таллаётганликларини кишини мамнуун этакди. Аслида Навоий област партия комитети Ленин шаҳрига саккизинчи синфини ва ўрта мактабни тугатган ўсимирларни йўлар экан, ана шундай мақсадини кўзлаган эди. Негаки, бир йилда бирон касб устаси бўлиб етишиш қийин. Агар олинган билим Ленинграднинг тажрибали меҳнат коллективларидаги амалий ишларда товланса айни муддао бўлади. Хоҳиши борлар олий ўқув юртида таълим олишлари мумкин. Равшанки, бу орада саккизинчи йиллик вақт ўтади. Бу-

да бунинг азобини тортишларини тўғри келаяти. Бу—фанларни ўлаштиришда, касбларнинг сирларини ўрганишда жуда сезилаяти. Масалан, 54-хунар-техника билим юртида ана шу ҳолатини нормаллаштириш учун педаголар программадаги бир қатор фанларни олиб ташлаб, улар ўрнига рус тили ва адабиети дарсларини киритишга мажбуор бўлишляпти.

— Ўзбекистонлик аксарият ёшлар ўз юртиларининг тарихи, маданияти ва санъатларини ҳам учаллик яқин билшимайди. — дейди А. Тетельбаум куюниб. — Эҳ, бу бизга ҳозир жудава асқотган бўлар эди. Сабаби билим юртимиздаги болаларнинг ярни ленинградликлар бўлса, салкам ярми ўзбекистонликлар. Қани энди, улар ўзларининг бой маданий мерослари ҳақида бизнинг йигит ва қизларга сўзлаб беринса, миллий урф-одатлари билан таништиришасиз? Навоий областининг мактабларида шу йўналишдаги таълим-тарбия ишларини тубдан яхшилаш лозим.

Тетельбаум билим юртида миллий кутубхона, бодий-ҳаваскорлик ансамбли ташкил қилиниши, хоналарни бешазда миллий урф-одатлардан келиб чиқиниши икки йилдан буюб тақлиф қилди. Бироқ унинг тақлифларида эътибор қаратилмапти, шу билан бирга бу соҳаларда айтарли иш қилинмаяпти ҳам. Менимча, худди шу соҳаларда комсомол комитетларнинг куч-гайратлари ишга солинса мақсадга мувофиқ бўларди.

Яна бир муҳим проблема. Болаларнинг ўз тугилиб ўсан юртилар билан алоқасини мустақкамлаш, доимий кундалик эътиборни сезиб туришларини таъминлаш зарур. Айни пайтда бунга эришилган эмас. Тўғри, област партия, совет, комсомол ва маориф ходимлари улар ақволидан тез-тез хабар олиб туришляпти. Лекин бу таширлар проблема-ни ҳал қилишга етарли таъсир кўрсатамаяпти.

— Бу йил областининг саккизи оз нафар ёш Нева бўйидаги шаҳарда хунар ўрганиш учун жўнаб кетади, — дейди област хунар-техника таълими бошқармаси бошлиғи М. Қариев. — Ҳақиқатан, ўтган йиллар мобайлида бу масала бўйича бир қандай камчиликларга йўл қўйилди келиди. Биз унинг сабабларини ўрганиб, барҳам топтириш чораларини ишлаб чиқдик. Районларда тушунтириш ишларига катта эътибор қаратилди, ҳар бир ўқувчи шу ерининг эътибори қаратилади. Биз шунингдек, бу йил Ленинградга энг нуносиб фарзандларимизни ташлаб йўллагача ҳаракат қилмаиз.

Демак, режалар анаги, гап нафат уларни амалий ишда муваффақиятли муҳассамлаштиришга қолган. Мумкин ҳам ана шунда.

Навоий шаҳрининг марказида буюк ўзбек шоир асарининг қарҳомони — Фарҳод шаҳрида ёдгорлик ўрнатилган. Унда қарҳомоннинг энг эзу шии — халққа сув келтирётган пайти образли равишда ўз ифода-сини топан. Унга қараб шундай қикмати ўқиниш мумкин: эзу ниятлар ҳаминча рўбга чиқади, уни рўбга чикарганларни эса халқ умутмайди. Буни Навоий шаҳри тасомилда, шаҳарнинг халқ габини еган, унинг бахтли бўлишини орзу қилган шоир номи билан аталдишда ҳам қўриш мумкин. Шундай экан, бу ҳаётий ҳулосадан яна бир ҳикмат чиқади. Бугун буюк шоир авлодлари революция бешини бўлган шаҳарда таълим олаётган ва олишга тайёрланган экан, пайт келиб уларнинг ниятлари ҳам албатта, амалга ошажн.

Абурауф ҚОҲЖОВОВ, «Совет Ўзбекистони» махусе муҳбири.



Суратда: М. Шатровнинг асари асосида саҳнадаштирилган «Шундагина енгимиз» спектаклидан бир лавҳа. Ленин ролида Қозоғистон ССРДа хизмат кўрсатган артист Сафар Утеминов ва врач ролида Ақсақал Қалмурзаевлар

Ленинграддан хатлар БАРЧАДИН ЯХШИРОК ҲАЁТГУЛИ

ОЧЕРК

вога ҳам, янги анъана ва талабларга ҳам ўрганиб кетишиди. Умуман олганда, йигит ва қизларнинг касб сирларини ўрганишга интилишдан, яқин хулқидан мамнумиз.

Яқини шаклга теран маънавий уйғунлаштиришга натижалар ижобий бўлади. Бизни масаланинг шу жиҳати кўпроқ қизиқтириди? Болалар ўз юртиларидан шунча олисга бориб, билим ва хунарни пухта эгаллашляпти? Маънавий оламларидан қандай ўзгаришлар юз берди? Мақсадлари, режалари нимадан иборат?

Устохона. Газ билан пайвандлашнинг ўлаштириш бўйича амалий машғулорлар борапти. Ҳар бир талабага кабина, махсус кийим ва кийозлар. Заъқиддин Нарзиёв, Нуриддин Эргашев, Улугбек Нуралиев, Шухрат Саидов, Музаффар Ботбоев ва бошқаларининг ҳаракатида дадиллик, тоширчилик тўғри баъжаришга таъинида ишонч яқин сезилиб туради. Мастер Владимир Артохов бўлса, улар ишнинг синҳовлик билан кузатиб борапти. Гоҳ ҳаракатларига тузатиш киритади, гоҳ кўнчилиларни кўтарди.

— Улугбек, олов йўналишини бироз кўтар. Ҳа, шундай. Яхши. Агар ҳозир ўзингни очик космосда шу юмушни бажараяман, деб тасаввур қилсанг, ишинг бундан ҳам яқин кетади. Космоснавт Савицкая қандай пайванд қилгандй?

— Нуриддин, қани қандай пайвандлади? Баракалла...

Машғулот тугагач, ўқувчилар билан сўзлашдик. Уларнинг ҳаммаси ўқинишнинг қийинлиги, лекин пайвандловчиликка айна ўзуларни келиб қолганини тақидиладди. Улар Ленинградга саккизинчи синфини тугатиб келишгани. Тақсидларини энди бир йили ўтиди. Олдинда қани икки йил бор. Улар бу вақт мобайлида моҳир мутахассис бўлиб етишишларига ишончлари комил.

СПРАВКА. 12 та хунар-техника билим юрти «Ленинград» бошқармасининг 90 миң киҳимлик коллективига турли ихтисослар бўйича кадрлар етиштириб беради. 54-хунар маҳсулотлар ерида эски каскаларнинг бири. Бу ерда ўқувчилар спесарь-сантехник, санитар-техник, ички системаларни монтаж қилиш бўйича монтажчи,

ний ва маънавий етук бўлиб камол топишларига қаратилганлиги билан қадридли. Масалан, Ленин қадмажоларида бўлишининг ўзи ёшлар қабилни беиҳоро тўқинлаштириш, тарихта муҳаббат руҳида тарбиялаш турган гап. Еки Эрмитаждаги ноир санъат асарлари қаршида йўта топиш қалбағи тўғрисида туйғулари янада бойитиши, ҳаётга муносабатни сайқаллаштириши аниқ.

Кишини мамнуун етувчи жиҳатлардан яна бири — билим юртида ўқувчилар билан тарбиячилар ўртасидаги муносабатларда меҳр-муҳаббат нури товланиб туради. Иккинчи бир дегал, Яқинда Шухрат Саидовнинг тоби қочиб қолди. Уш пайтда унинг мастери Л. Соколовнинг ташвишланганини кўрсатди эди. Шухратни Ысқоловдонида санаторийга жўнатишга бироз кўнгли ниҳтиди. У санаторийдан яқин даволиниб қайтди. Лекин энди Лев Владимирович талабсининг ортинча уриниб қолмаслиги учун жон куйдиради. Дам олиш кунлари уйига олиб кетади, ўқиниларни кузатиб боради. Улар сўз билан айтганда, улар бир-бири билан отабора бўлиб қолишган.

Табиийки, ўз навбатда тарбиячиларда худди шундай фаюллатлар болаларга ҳам «юкати». Мен бунга ётоқхонада ленинградлик қизлар ўзбекистонлик дугоналари билан бир-бирларига бичиқчилигини ўргатаётганликларини кузатиб амин бўладим. Уларнинг ўзаро муомалалари самимий, кийинишларини ораста.

Билим юртидагилар томдиллик, уққудуллик ва кони-мехлик ўн тўққиз қизнинг қандай ташир буюрганини, илк кезлар тортиночилик қилганларини кулиб эслашди. Кейинчалик аста-секин ўқув маскани муҳитига қўшилиб кетишди. Айни пайтда бўлса, улар ўқиниш ва жамоат ишларида актив ва ташаббускор. Муомала ва кийинишга эса, ленинградлик дугоналаридан қолишмайди.

— Ленинград қурилиш бошқармасидаги практикаси нихосинга етпти, — дейди Шарифа Юноназарова. — Ысқоловдони бўлиш учун ймиққиларни тошир-рамаиз-у яна ўша коллективга ишга борамиз. Дугоналарининг ҳаммаси бу ерда қолиб ишлаш истагида. Меҳнат қилиш билан бирга

нинг ҳеч бир чўқийдиган жиҳати йўқ. Чунки чала қўрувчи, уқувсин слесарь бўлгандан кўра, бўлмагани маъқул. Малакали кадрлар эса хамиша зарур. Айниқса, келажак учун. Шунинг учун унинг габини ҳозирдан йўлаш, узққни кўзлаб оқидона иш юритиш керак бўлади.

Област партия комитетининг бу йўналишдаги гоъси дастлабки самараларини бера бошлади. Ўтган йили Ленинград билим юртида тақсид олишни тугатган болаларнинг қарийб тўққиздан бир қисми, бу йил ундан ҳам камроғи Навоийга қайтиш истагини билдирди. Қолганлари ўша жойда ишда қоляпти, армияга кетганлари бўлса, хизматдан қайтгач яна Ленинград ишчи мактаби сабогини давом эттирмоқчи.

Ленинградликларнинг ишчи кадрлар тайёрлашда республикага кўрсатаётган ёрдами ҳар жиҳатдан тақсидга лойиқ. Лекин биз бу билан барча масалаларни ҳал этишни уларнинг зиммасига ташлаб қўймаслигимизга керак. Ленинград шаҳри ва област хунар-техника таълими Бош бошқармасининг бошлиғи Л. Горчаков, билим юртиларининг педагоглари ва ўқувчилар билан сўзлашар жараёнида бундай тенденция юз бериб турганини ошкор бўлди. Бу, биринчи навбатда республикада мамлакатимизнинг марказий районларига ўқиниш юбориш ишларини ташкил этишдаги камчиликларда кўга ташланди. Қўп жойларда, шунингдек, Навоий областининг қишлоқ районларидан ўқини истагиди йигит ва қизлар билан тушуинтириш ишлари яқин йўлга қўйилмаган. Оқибатда уларнинг қўчиқлиги олис юртва келгач, ўзлари хоҳлаган касб бўйича эмас, балки ўша жойдаги мавжуд ихтисос бўйича ўқинишга мажбуор бўлишляпти. Турган гапки, бу ленинградлик педагоглор учун турли нохушликларини келтириб чикармоқди. Аслида бу масалани Навоийнинг ўзида ҳеч бир қийинчиликсиз ҳал қилиш мумкин эди. Бунинг учун партия, совет ва комсомол ходимлари эътиборини озгина кучайтирсалар бас.

Ленинградда тақсид қўраётган болаларнинг қўчиқлиги мактабда рус тилини яқини ўқиниш шартин бўлмаганлигини ачинаиб гапиршилади. Чунки улар бу е-

га ҳам ўз таъсирини ўтказаяти. Энг сўнгги пайтгача бизда болалар мутахассислари ва насалхоналардаги жойлар билан таъминлаш юзасидан умумийтифок нормативлари амал қилиб келди, ваҳоланки, туғилиш мамлакатидан йўртқа кўриштирилган ўн баравар юқори эди.

Медицина ва даволаш муассасаларининг моддий-техника базаси ҳам ўз ривожланишда орқалда қолди. Тасуқхоналар ва болалар касалхоналарининг саксон проценти мослаштирилган биналарда жойлаштирилган. Болалар юқумли касалликларни шифохоналари деярли йўқ, замонвий асбоб-уқуналор, дори-дармонлар етишмаяди.

Қардош республикалар ҳаракатининг самарадорлиги кенг жамоатчилик фидри-

Пойтахтимиз меҳмонлари Қозоқ театри Тошкентда

Қозоқ ва ўзбек халқининг кўпгина урф-одатлари бир-бирига ўхшаш, куй-қўшиқлари ҳамоҳангдир. Икки халқ йиллар давомида бир бирининг адабиётини, санъатини кенг баҳраманда бўлиб келмоқда. Бу яқин одат тобора мустақкамлашиб, ривожланиб, анъанага айланмоқда. Бунга қўллаб мисоллар келтиришимиз мумкин.

Бир неча йиллардан буюб Олмаотадаги Мухтор Авезов номи Қозоқ Давлат академик драма театри билан Тошкентдаги Ҳамаза номи Ўзбек Давлат академик драма театри коллективлари ўртасида ижодий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ҳар икки коллективнинг актёрлари қозоқ драматурги О. Янгитовнинг «Ҳасратли аёл» асарини саҳнага олиб чиқдилар. Асар Олмаот ва Тошкентда муваффақиятли намойиш этилмоқда.

Жумат Шанин номи Чимкент область қозоқ драма театри ҳам ижодий ҳамкорликка бел боғлади. Мўқимий номи Ўзбек музикали давлат театри билан гастроллар алаишга туриш ҳақида шартнома тузилди. Шунга мувофиқ қардошларимиз Тошкентга илк мартада таширф буюришляпти.

— Коллективимиз 1934 йилда ташкил этилган бўлиб, мамлакатимизнинг қўллаб шаҳарларида гастролларда бўлган, — дейди театр директори Ёрибосари Сафар Навалов. — Бу орада коллективда кўпгина талантлик актёрлар етишиб чиқди. Ҳозир театримизда икки нафар Қозоғистон халқ артисти, саккизи нафар республикада хизмат кўрсатган артист ижодий излашишда. Тошкентда намойиш этакдан спектаклларимизда томошабинлар Қозоғистон халқ артистлари Ойша Абдуллина, Жумабека Серекбаева, республикада хизмат кўрсатган артистлар Мухтор Найманбоев, Утизбай Жумабеков, Сафар Утеминов, Ақсақал Қалмурзаев ва қўллаб таланти ёшлар, жумладан Бутуниттифоқ театрлари «Иггер» фестивали лауреати Эркин Шимурзаев, Анипа Қарабекова каби актёрларимиз ижода билан танишляпти. Гастролларимиз 15 июлдан — 25 июлга қадар Мўқимий номидаги ўзбек давлат му-

зикали театрида намойиш этилади. Ўзбек томошабинлари гастроллар билан Тошкентдаги «Шундагина енгимиз», Т. Нурмағамбетовнинг «Қўрбақалар қурилган тун», Ф. Мурероининг «Қозн Кўрпеш ва Ваян сулу», С. Аҳмадининг «Келинлар қўзғолони», А. Тауасаровнинг «Армонли қиз» каби асарлари бор.

Театр коллективига шухрат келтирган М. Шатровнинг асари асосида саҳнага қўйилган «Шундагина енгимиз» спектакли ҳақида икки оғиз гапириб ўринали. Бу спектакль Октябрьнинг 70 йиллиги юбилейи муносабати билан Қозоғистоннинг кўпгина шаҳарларида намойиш этилди. Петропавловск шаҳрида ўтказилган республика театрларининг ўзаро кўригида биринчи даражали диплом билан тақдирланди. Асарда доҳиймиз В. И. Лениннинг ҳаёти ва фаолияти акс эттирилди. Бу спектакль ҳақида москвалик ва олмаоталик театр танқидчилари матбуот орқали илиқ гаплар айтишди.

Сайд Аҳмадининг «Келинлар қўзғолони» асари область театрида саҳнага қўйилганлигига мана ўн уч йил бўлди. Шу давр ичида қардошларимиз «Келинлар қўзғолони»ни 200 мартадан ортин қўришди.

Шу ўрнида бир фикр. Чимкент область қозоқ драма театри актёрлари 60 йилларда севимли Ўзбек адиби Абдулла Қаҳҳорнинг «Оғриқ тишлар» асарини саҳналаштириб, бу спектаклнинг катта муваффақияти билан намойиш этакди. Кейинчалик томошабинларда катта қизиниқ уйғотган бу асар саҳнадан тушиб қолди. Умид қиламизки, қозоқ дўстларимиз «Оғриқ тишлар» театри ихлосмандларига қайта туҳфа этакдилар.

Икки халқнинг ўзаро маданий алоқалари улар дўстликнинг асосий омиллири. Қозоқ театри асарларининг ўзбеклар дерида намойиш этилиши муҳлисларни чин дилдан қувонтиришга ишоннамиз.

Д. ҚИРГИЗБОВЕВ.

Ўзбекистон ва Туркманистон:

Дўстлик алоқалари

«1750—1755 йилларда туркман халқининг буюк фарзанди, шоир Махтумқули шу ерда таъсир қўрган» — ана шундай ёзувли хотира лавҳаси қадимий Хиванинг меъморий ёдгорлиги — Шерғоғзон мадрасасига ўрнатилган.

Ичон қалъа музей-қўриқхонаси кўпгина ходимлари туркман адабиёти классиги Махтумқулниинг ҳаёти ва фаолиятини бир неча йил давомида ўрганишляпти. Улар шоирнинг қўлёзмаларини тақдир этакдилар. Туркманистонлик ҳамкасблари билан биргаликда семинарлар ўтказдилар. Ана шундай ижодий урчушулардан бирида Махтумқулининг қачон Хивага келганлиги ва бу ердаги мадрасада қачон ўқитганлиги аниқланди.

Хотира лавҳасини очиб шарофига Туркманистон ССР Тошовуз области партия ва Совет ходимларининг Хоразмда меҳмон бўлиб турган делегацияси Хивага тақдир қилди. Меҳмонлар туркман мутафаккири янаган, ўқитган ва асарларини яратган ҳужрада оқинган Махтумқули музейида бўлдилар. Бу ерда туркманистонлик дўстлар музейга топширган янги экспонатлар пайдо бўлди, улар орасида шоирнинг портрети туширибди, қўлда тўғилган гилам, шоир китобларининг нодир нусхалари бор.

Хоразм ва Тошовуз областлари меҳнаткашларининг алоқалари йилдан йилга мустақкамлашиб бормоқда. Хоразмдаги кўпгина қолхоз ва совхозларда бадий ҳаваскорлик ансамблилари тузилган бўлиб, уларнинг репертуарларидан туркман қўшиқ ва рақслари жиқ олган. Қўшини областлар қишлоқ ҳужаллида ишларни олиб боришининг прогрессив методлари, сановатдаги янги технологияларни мунтазам баҳам қўридилар. Ўзбек ва туркман артистларининг ўзаро гастроллари яқин анъанага айланди.

Ю. ИБРОҲИМОВ, ЎзТАГ муҳбири.

ҚўРГАЗМА ДУНАЙ СОҲИЛИГА ЖўНАТИЛДИ

Ўзбекистон расомларининг юзга яқин авсарлери ва график асарлари Венгрия пойтахтига жўнатилди. Будапештдаги совет фани ва маданияти уйда «Давр мароми ва Ўзбекистон манзаралари» кўргазмаси ойналанди.

Кўргазмага келган кишилор Ф. Бойматовнинг қайта қўришга тўсқинлик қилаётган кишилор устидан кулчиқ «Нора қўриқлар» сатири суратларини, унинг «Тўш пайти» ва «Олча қуритиш» деб аталган лирик асарларини, В. Алухтиннинг урушга қарши қаратилган «Троя оти соялари» туркумидаги графика асарларини қўридилар. А. Нирнакидининг чиган суратлари билан нашр қилинган китоблар — Абу Али ибн Сино поэзияси, Гёте лирикаси, «Гарсна Лорна» китоблари ҳам намойиш қилинади.

— Ўзбекистон расомлар союзининг чет мамлакатлар билан алоқалари кенгаймоқда, — деди республика маданият министрлиги бадий кўргазмалар дирекциясининг илмий секретари М. Портон. — Бу йил Ўзбекистон тасвирий санъати ва амалий манзарали санъати кўргазмаси Берлинда катта муваффақият билан ўтди. Шу йил қудра расомларимизнинг асарлари ГФРда намойиш қилинади.

Н. ПОЛЯНСКАЯ, ЎзТАГ муҳбири.

Афғонистон учун китоблар

Кобул халқ кутубхонасига замонвий ўзбек адабиёт китоблари жўнатилади. Дари ва пушту тилларига таржима қилинган китоблар орасида Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Раҳмат Файзининг «Ҳазрати Исо» романи ҳам бор. «Давр пессалари» деган тўлалида Ўзбекистон драматургларининг кўпгина саҳналарда қўйилган асарлари киритилган. Еш китобларга Пўлат Мўминнинг шеърй китоби тақдир этилди.

Ўзбекистон Фанлар академияси билан ҳамкорлик тўғрисида шартнома туганган Кобул халқ кутубхонаси шу йилдан бошлаб шундай соғаломлик мунтазам равишда оломоқда. Афғонистонлик ҳамкасбларининг илтимосига кўра, ўрта

